



# Халқ Сўзи



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

13 июнь, жума, 1997 йил  
Сотувида эркин нархда. № 127 (1644)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА АЛКОГОЛЛИ ИЧИМЛИКЛАРГА АКЦИЗ МАРКАЛАРИ ҚўЛЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ Тўғрисида

Алкоголли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари олиб келиш ҳамда сотишнинг тартибига солиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида:

1. 1997 йилнинг 1 июлидан бошлаб акциз маркарлари бўлмаган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларни:

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудида (халқаро транзитдан ташқари);

«Вақтинча олиб кириш» режимида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида;

жисмоний шахслар томонидан (қайтадан жўнатиш ҳам шу жумлага кирди) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб кириш тақиқлансин. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган нормалар доирасида акциз олиб келиш бундан мустасно.

Белгилаб қўйилсинки, 1997 йилнинг 1 июлидан бошлаб импортёрлар томонидан акциз маркарларини республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиш юк бўйича ўрнатилган тартибда тўлдирилган божхона декларацияси мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилади.

2. Давлат солиқ қўмитасига акциз маркарлари бўлмаган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб кириш, ташуви (халқаро транзитдан ташқари), сақлаш ва сотиш чоғида, шунингдек, уларни яширинча ишлаб чиқариш

чоғида шундай маҳсулотлар ва ичимликларни мусодара этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.

Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган шахслар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилишлари белгилаб қўйилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишли солиқ идораларининг қарорлари асосида мусодара қилинган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларнинг бир ой муддатда башуви (халқаро транзитдан ташқари) алоқалар вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан бирга

3. 1997 йилнинг 1 июлидан бошлаб четдан олиб келинадиган озиқ-овқат спирта қонракт қўйиматининг 10 фоизи миқдорда акциз солиғи жорий этилсин.

4. Давлат солиқ қўмитаси йигирма кун муддатда:

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда акциз маркарлари бўлмаган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларни мусодара қилиш ҳамда сотиш тартибини ишлаб чиқиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан бирга

Тошкент шаҳри,  
1997 йил 12 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
**И. КАРИМОВ.**

## КОНФЕРЕНЦИЯ ЯКУНЛАНДИ

**Ўзбекистон Макроиктисодий ва статистика вазирлигида БМТнинг чўлга айланашига қарши кураш конвенциясининг бажарилиши бўйича ўтказилган минтақаларо конференция ниҳоясига етди.**

Конференциянинг якуни мажлисида ишчи гуруҳлар ҳисоботи юзасида мунозара бўлди. Анжуман ниҳоясида Тошкент Декларацияси қабул қилинди.

Конференцияда чўлга айланаши ҳамда тупрок дегрэдациясига қарши курашда ўзаро куч-ғайратни бирлаштириш бўйича фикрлар уйғунлиги намоён бўлди. Бу аса анжуман иштирокчиларининг барча давлатлари БМТнинг мазкур конвенциясини бажариш ҳамда унда фаол иштирок этишга даъват қилинган асос бўлди.

(ЎзА).

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚўМИТАСИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН ҚОНУНЛАР МУКАММАЛ Бўлади

Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш қўмитаси раиси Изидор КОЧМАРИК билан сўхбат

-- Изидор Андреевич, аини кунда қўмитангизда қандай ишлар амалга ошириляпти?

-- Барча қўмиталардаги каби бизда ҳам иш қизғин. Асосан икки йўналишда: янги қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва олдинги Олий Мажлис сессияларида қабул қилинган қонунлар ижросини назорат қилиш бўйича иш олиб бораёмиз.

-- Қўмитангиз Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясига қайси масалаларни киритишни мўлжалламоқда? Янги қонунлар тайёрланаяптими?

-- Ҳа, албатта. Ҳозир Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль транспорти тўғрисида» ва «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги қонунлари лойиҳалари устида иш олиб бориляпти. Мана шу иккала қонун лойиҳаси пухта тайёрланган, Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритишни режалаштирганмиз.

-- Ҳар бир қонун ҳаётини зарурат туғайди дунёга келиши ҳақиқат. Ушбу қонунлар лойиҳаларининг моҳияти ҳақида тўхталсангиз?

-- Авваламбор, «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида гапирсам. Чунки «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳали тайёр бўлгани йўқ. У кўп изланиш ва меҳнатни талаб қилади.

Ушбу биринчи қонун лойиҳаси транспорт соҳасида мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келганиги муносабати билан тизимда янги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Маълумки, ҳозирги кунда юкларни ва йўловчиларни ташуви билан нодавлат тизимдаги транспортчилар шуғулланишяпти. Қонун лойиҳасида юк ташуви билан машғул бўлган давлат ташкилотлари ва ҳусусий мулкнинг турли қўрилишида бўлган бошқа ташкилотларнинг вазифалари аниқ белгилаб берилган. Унда бозор иқтисодиёти тамойилларидаги тўла амал қилиш асосида транспортчиларга катта ҳуқуқлар бериш, шу билан бирга, автотранспорт тизимини бошқаришда давлатнинг ролини ошириш гоғларини мўлжаллашган. Булар охири-оқибатда автотранспортда соғлом рақобат муҳитини яратиш, кўрсатилмаган хизмат сифатини яхшилаш, миқозларининг ҳам, юк ташувиларининг ҳам ҳуқуқ ва бурчларини кафолатлаш имконини беради. Дарвоқе, Ўзбекистон шароитида энг кўп юк ва йўловчи автомобиль транспортида ташилади. Тайёрланаётган қонун лойиҳасининг муҳим жиҳати ҳам шунда.

-- Қонун лойиҳасини тайёрлашда кимлар қатнашди?

-- Ушбу ҳужжат лойиҳаси устида ўз вақтида «Ўзавтотранс» мухтаassisларининг катта гуруҳи ва республикамизнинг бошқа тегишли ташкилотлари вакиллари меҳнат қилдилар. Табиийки, бу ишга ҳуқуқшунослар ҳам жалб этилди. Қонун лойиҳаси Адлия вазирлиги экспертизасидан муваффақиятли ўтди. Аини пайтда ушбу қонун лойиҳаси устида Вазирлар Маҳкамаси иш олиб бораёпти.

Албатта, лойиҳани ҳали мукамал, деб бўлмади. У қўмитамизга келаятган таклиф ва мулоҳазалар асосида янада пухта ишланади, ишчи гуруҳи томонидан эса бир неча бор муҳокама қилинади. Қонун лойиҳасини мукамал ҳолга келтириш учун вақт ҳам етарли.

«Халқ сўзи» мухбири  
**Ойбек РАҲИМОВ** сўхбатлашди.

## • КУН ТАРТИБИДА: МИЛЛИЙ ДАСТУР

### ОЛИМ Бўлсанг, ОЛАМ СЕНИКИ

Кунни кеча Ўзбекистон Фанлар академияси Президиумининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. У қадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш масаласига бағишланди. Академик олимлар, вазирликлар вакиллари, илмий-тежираниш институти директорлари ва уларнинг муовинлари ҳамда журналистлар иштирок этган ушбу мажлисда академия Президенти, Т. Жўраевнинг «Қадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш юзасидан ЎзФАНнинг чора-тадбирлари» мавзусидаги маърузаси тингланди.

шаклдаги ўқув юрти бўлиши, ўқувчи маълум касб-хунар эгаллаб, ҳаётга тайёр бўлиб чиқиши лозим.

Мана шу ишларга академия ҳам катта ҳисса қўшиши керак. Академия билан олий ўқув юртлири ўртасида мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим. Ҳозирда олимлар сунъий равишда иккига бўлинган: ЎзФА олими илм билан, олий ўқув юртидаги олим дарс бериш билан машғул. Бир йилда 600 -- 800 соатдан дарс ўтадиган ўқитувчи илм билан шуғулланишга қайдан вақт топсин? Нотижар ёшларни илмга жалб этиш борасида турли фикр-мулоҳазалар билдирилди. Масалан, ҳар бир олий ўқув юрти ўқитувчисининг биринчи курсдан бошлаб 2-3 нафар ўз «ўқувчиси» бўлса маъқул эмасми? Шунда талаба илмдан кўнгли узиб кетолмайди.

Ҳаммамизга маълумки, шу йил бошида замон талабларига жавоб берадиган қадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур ишлаб чиқиш юзасидан давлат комиссияси тузилган эди, лекин нотижар. Кунни кеча ана шу комиссиянинг йиғилиши бўлди. Уни Президентимиз И. Каримов бошқариш ва олдинда турган кўпгина вазифаларни ойдаинлаштириб берди. Жумладан, юртбошимиз маънавиятни юксалтириш борасида улкан ишлар амалга ошириляётган мустақиллик йилларида қадрлар тайёрлаш, таълим-тарбия тизимида жиддий ўзгаришлар юз бераётганига тўхталиб, аслида ислохотларни мана шу соҳадан бошлаш керак, деб таъкидлади. Шунингдек, шу кунгача амалда бўлган 11 йиллик таълим тизимининг миллий ўзига хосликдан йироқлиги, мактаблар ва ўқув даргоҳларининг моддий-техника базаси заифлиги, талаб этиляётган замонавий қадрларни етиштириш учун бутунги ўқитувчиларнинг ўқувсизлиги ҳам бор гап.

Энди 9 йиллик мажбурий ва 3 йиллик ихтисослашган таълим тизимига ўтиш режаланмоқда. Охириги уч йил мутлақо янги

30 -- 40-йиллар дастури амал қилиб келган ўрта мактабда муаммолар жуда кўп. Ўқувчиларга физика, химия, математика, чет тили, Ватан тарихи, ҳуқуқшунослик ва иқтисод асослари, компьютер саводхонлигини чуқур ўргатиш замон талабидир.

ЎзФА бўлимлари, илмий-тадқиқот муассасаларига жорий йилнинг 25 июнигача фан йўналишлари бўйича умумлаштирилган маълумотлар, илмий қадрлар бошқармасига эса шу йил 20 августга қадар иқтидорли ёшларни 1998 -- 2000 йилларда хоржий давлатлар илмий маркарларига тажриба орттиришга юбориш режаси лойиҳаларини ишлаб чиқиш топширилди.

Кенгайтирилган мажлис ишида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Орипов сўзга чиқди.

Г. Йўлдошева,  
«Халқ сўзи» мухбири.



Асака тумани деҳқонлари бу йил галладан мўла ҳосил етиштирдилар. «Шарқ ҳақиқати», «Галаба», Г. Ёкубов номи жамоа хўжалиқларида ўрим уношқоқлик билан олиб бориляпти. Ҳар гектардан 82-85 центнердан оғир тайёрланмоқда.

СУРАТДА: туман ҳокими Т. Ёкубов (чапда), «Шарқ ҳақиқати» жамоа хўжалиқ бригадаси бошлиғи Э. Гадоев, хўжалик агрономи Д. Аликүлов галлазорда.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

## ДАСТУРИЛАМАЛ

Фан ва техника давлат қўмитасида Президент И. Каримовнинг XXI аср бугунгача: хавфсизликка таъдил, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» деб номланган янги китоби тақдимоти бўлди. Унда олимлар, янги технологияларнинг муаллифлари, республика ишлаб чиқариш ҳодимлари иштирок этди.

Республикамиз раҳбарининг янги асарига маълумотида амалга ошириляётган ижтимоий-иқтисодий йиғилишлар, уларнинг тобора авж олиши ва тараққиёт истиқболлари тўла ва ҳар томонлама таҳлил этилган, деди Фан ва техника давлат қўмитаси раиси, академик П. Ҳамроқулов маросимни очар экан.

Китобда кўн йиллар ичида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши учун аниқ йўллар белгилаб берилган, дейилди нутқларда. Бутун Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик сақлаб туриш, барқарорлик таъминланмас экан, республиканинг давлат ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаб бўлмайди.

Тақдимот иштирокчилари Президентнинг мазкур асари олимлар ва ишлаб чиқариш ҳодимлари учунгина эмас, республиканинг барча аҳолиси учун ҳам чинакам дастури амал эканини таъкидладилар.

Анна ИВАНОВА,  
ЎЗА мухбири.

## • ҲОКИМЛИКЛАРДА

### ДОЛЗАРЪ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Жиззах ва Самарқанд вилоят ҳокимликларида Ўзбекистон Президенти И. Каримов республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий-ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда ўртага қўйган вазифаларни амалга ошириш, ҳусусан, ҳуқуқий билимларни тарғиб этишни тақомиллаштириш, аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масалаларига бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди.

Республика Конституциявий суди раиси Б. Эшонов ана шу ҳақда маъруза қилди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари, фуқаролар эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтириш, ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдириб, бу борада оммавий ахборот воситалари ўрни ҳам беқийс эканлигига эътиборни қаратди.

Жиззахдаги йиғилишда вилоят ҳокими Ш. Мирзиёев, Самарқандда вилоят ҳокими А. Мардиев қатнашди.

## • ВИЛОЯТЛАРДА

### КОДЕКС ЛОЙИҲАЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Мамлакатимиз Президенти И. Каримов ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, жумладан, қабул қилинаётган қонунлар, кодекслар ва бошқа меъриий ҳужжатларни янада тақомиллаштириш зарурлигига эътиборни қаратди.

Олий Мажлис ишчи гуруҳлари шу кунларда жойларда бўлиб, янги кодекслар лойиҳалари бўйича учрашувлар ўтказмоқда.

Гулистон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал ҳамда Хўжалик-процессуал кодекси лойиҳалари бўйича йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Олий Мажлиснинг Сирдарё вилоятидан сайланган депутатлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, шаҳар ва туман прокурорлари, судьялари, ички ишлар ва солиқ инспекциялари бошлиқлари, олимлар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар ушбу ҳужжатлар лойиҳалари дунёнинг тараққий этган давлатлари тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилгани, уларда, жумладан, фуқаролик ишларини судларда кўриб чиқиш қоидалари, томонларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, хўжалик низоларини ҳал этиш масалалари аниқ ва равшан баён этилганини таъкидладилар. Йиғилишда ушбу лойиҳаларни янада тақомиллаштириш мақсадида уларни кенг муҳокама этиш ва билдирилган таклифларни Олий Мажлисга тақдим этиш тавсия этилди.

(ЎзА).

## • СОҒЛИҒИНГ -- САОДАТИНГ

Аёл! Ана шу биргина сўзни ким Кўш, ким Ой, ким Гул деб талкин қилади. Унинг минглаб мўқасалари бўлса-да, мазмунини битта: ГУЗАЛЛИК. Шунинг учун ҳам бир қаро холга танти шоир Шерозий Самарқанду Бухорони ҳада этиб юбормоқни ихтиёр этган.

чора-тадбирлар ишлаб чиқияпти ва қўлланилмоқда.

Мустақиллик боис мамлакатимизда аёлларга ғам-хўрлик кучайтирилди. «Соғ-

Хуллас, дунё аёл деб аталмиш тенгсиз ҳайрат билан бекам ва улғувор. Дарвоқе, кунни кеча Ўзбекистон Ижтимоий таъминот вазирлиги ва республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилган илмий-амалий конференцияда аёлни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва асраш муаммолари ҳақида гап борди. Соғлиқни сақлаш ва Меҳнат вазирликлари, Миллий реабилитация маркази, касабая уюшмаси федерацияси, «Экосан». «Соғлом авлод учун» ҳамда «Маҳалла» жамғармалари вакиллари бу хусусда фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

лом авлод учун» ордени ва жамғармаси ташкил этилгани бунинг мисолидир.

Албатта, шуғулланилиши керак бўлган муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, аёллар ногиронлигининг ўсиши ташвишли ҳождир. Бу экологик ва ижтимоий-иқтисодий муҳит билан боғлиқ, албатта. Турғунлик йилларида вужудга келган экологик муаммолар ҳам аёл организмига, ирсиятга салбий таъсир кўрсатмоқда. Тоza ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш лозим.

Хуллас, аёллар муаммоси билан бутун жамият шуғулланади. Аналик ва болаликни ҳимоя қилиш республика ижтимоий сёнатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб тури-

**АЁЛНИ АРДОҚЛАНГ, АЁЛНИ!**

ДУНЁНИ МЕҲРСИЗ, МУҲАББАТСИЗ ВА БИРИНЧИ НАВБАТДА АЁЛСИЗ ТАСАВВУРГА СИҒДИРИБ БЎЛМАЙДИ

## «СЕРҲАРАКАТ» МАРРАГА ЕТДИ

Сурхондарё вилоятининг энг шимолӣ нуктасида жойлашган Узун туманида галла ўрмига қизғин киришди. Аини кунларда 30 дан ортиқ машина юксак унум билан ишлатилаяпти. Кунни кеча эса «Серҳаракат» жамоа хўжалиқ галлакорлари давлатта 1210 тонна сара буғдой топшириб, йиллик буюртмани эъди билан адо этдилар. Ҳосилдорлик эса ўртача 43 центнерни ташкил этди.

Тумандаги Ж. Эшмирзаев номи, «Гулистон» жамоа хўжалиқларида ҳам ўрими қизғин бормоқда. Улар бугун-эрта зафар қучишади.

Г. ҲУСАНОВА,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Т. РАЗЗОК,  
«Халқ сўзи» мухбири.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ОЛТИ ЙИЛЛИГИГА

Узини таниган одамнинг аниқ мақсади бўлади. Уни бу йулдан кайтаришга қанчалик тўсиқ қўйилмасин, баърибир манзилга етишувнинг турли чораларини излайди. Агар унинг қарори қатъий бўлса, агар унинг ботинидаги эътиқод дарз кетмаган бўлса, агар у ўз қадри-қиммати билан аяқлаган йулдан бўлса албатта, шундай йул тутади.

Ватани шаъни ва ор-номуси учун қайгуриш хисси тобора илдириб отаверади. Бу туйғунинг илдирилари шунчалар чуқур кетадики, натижада келажак авлодлар қонида шу хиссий тулқин пайдо бўлади. Истиклолга етиш орасида ўзбеклар учун улғу болари иркида оққан гузал бир исён ва шу билан бирга, миллатнинг шаклланиши учун кенг имконият эди.



ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚЛОЛИ! ҲАР БИР ҚАЛБДА ЎЗ ТАЛҚИНИ БОР

Василий ДЕВЯТКО, Қозғоғистон Республикаси Қозғоғистонда қанчалик сўз вазири: -- Ўзбекистоннинг турли жаҳаларда тугган йўлини юқори баҳолайман. Унинг истиқлолидан қувонаман. Юртингиздаги барча ҳамкасбларимга, Ўзбек халқига шу улғу неъмат боқий бўлсин дейман. Тинчлик ва оқилоллик, тараққиёт тарафлари бўлиб, тобора куч-қудратга тўлиб бораётган мамлакатнинг эртаси ёруғ эканлигига ишонаман. Президент Ислам Каримовнинг барча эзу сайёҳаракати бүгун ўз ижобий натижаларини берапти. Буни Марказий Осиё ва жаҳон халқлари англаётганини алоҳида таъкидламоқчиман... Ўзбекистон -- ўз кучи ва имкониятларини тўри бошқара олаётган мамлакат.

Мен Ўзбекистонда жуда кўп бўлганман, бу сўлим ўлка юрагимга шунчалар яқинки... сўз бирла таърифлашга ожизман. Ўлкангиз мен учун Ватанимдай азиз ва қадри... Халқингизни туғишганларимдай эъзоз этурман. Мамлакатингиздаги улкан кутубхоналар, архив ва музейлари-да яхши биланман. Туркшуносман. Истиклол -- давлат улуглиги. Мен ўзбекистонлик барча катта-кичик инсонларни ана шу улғулик билан қўлаб, бундан кейин-да зафарлар ёр бўлсин, дейман. Туркий халқлар бирлигига дарз кетмасин, дея Оллоҳдан илтижо қиламан. Ўзбекистон -- бирдамлик учун пешқадамлик қилаётган қудратли давлат. Истиклол ўзбекистонликларга бемисл имконият, обрў-эътибор келтирди. Мустақиллик нуридан ҳар бир ўзбекистонликнинг кўнгли мунаввар тортиб, тобора шавқу шижоатга тўлиб бораётди.

Мамлакатингиздаги улкан кутубхоналар, архив ва музейлари-да яхши биланман. Туркшуносман. Истиклол -- давлат улуглиги. Мен ўзбекистонлик барча катта-кичик инсонларни ана шу улғулик билан қўлаб, бундан кейин-да зафарлар ёр бўлсин, дейман. Туркий халқлар бирлигига дарз кетмасин, дея Оллоҳдан илтижо қиламан. Ўзбекистон -- бирдамлик учун пешқадамлик қилаётган қудратли давлат. Истиклол ўзбекистонликларга бемисл имконият, обрў-эътибор келтирди. Мустақиллик нуридан ҳар бир ўзбекистонликнинг кўнгли мунаввар тортиб, тобора шавқу шижоатга тўлиб бораётди.

у расмий мақом олди. Халқро майдонга ўзбеклар қиёфасини белгилувчи спорт тури сифатида чиқиб борапти. Шаҳрисабзда, Термизда, Бухорода, Хивада ва Андижонда миллий кураш бўйича бир қатор халқро турнирлар юзага келди, буларнинг ҳаммаси мустақиллик туфайлидир. Полвончасига айтсам, истиқлол бизнинг кўксимизда миллий гурур ва ориятимизни тиклади, бошимизни мағрур қўтариш имконини берди. Бирининг олдида тилимиз қисқик эмас, руҳимиз ҳур ва тетик. Мен Ўзбекистон мустақиллигини шу маънода тушунаман.

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ТАҚДИМОТ

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўлаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фондида Президентимиз Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" номли китобининг журналистлар учун тақдимот маросими бўлиб ўтди.




НАВБАТ ТЕМИР ЙЎЛ БЕКАТИГА

Қоровулбозорда замонавий нефтни қайта ишлаш корхонаси бунёд этилиши муносабати билан қатор маданий-маиший бинолар қад ростлапти. Яқиндагина бу ерда янги автошўхбат ишга туширилди, йўловчиларга қулайликлар яратиб берилган эди.

Айни пайтда Қоровулбозорда темир йўл вокзали қурилиши жадал бошлаб юборилди. Бу ерда кенг ва ёруғ кутиш зали, бир неча чиптахона, маданий-маиший, умумий оқватланши шохобчалари, оналар ва болалар, тиббиёт хоналари барпо этилади.

БОЗОР -- ТЎКИНЛИК РАМЗИ

Халқимиз азал-азалдан бозорга катта эътибор бериб келган. Зеро, бозор тўкинлиги аҳоли турмуш фаровонлигини гулода этади. Қуни кеча Ифсонда тумани марказида «Дехқонобол» бозори очилди. Шарқона мезморчилик анъаналари асосида бунёд этилган бу бозорда юзга яқин савдо растанси, йигирмага яқин дўкон, олтига маиший хизмат корхонаси, чойхона ва ошхоналар мавжуд.



Тўрақўрғон туманида ўзбек-турк давлат тижорат хунари лицейи иш бошлаганига тўрт йил бўлди. Ҳозир лицейда 199 нафар ўқитувчи талаба таҳсил оляпти. Бу йил талабаларнинг 22 нафари лицейнинг илк битирувчилари бўлади. Бу ерда улар инглиз, турк тилларини, компьютерда ишлаш маҳоратини тўла ўрганиб олди.

«ХАЛҚ СЎЗИ» АРАЛАШГАЧ

МУАММОЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ

Тахририятимизга Булоқбоши туманидаги «Олмас» кўчаси, 26-ўйда яшовчи меҳнат фахрисси, нефтьчи Садриддин Қамбаридинов номидан шикоят хат келган эди. Туман аҳолисини зарур озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, йиллар ижтимоий фойдалоқ маҳсулати жалб этиш борасидаги камчиликлар, шунингдек, солиқни соқлаш тизимидаги айрим муаммолар қаламга олинган мақорат арано газетамиз назорати олингач, кўйидаги жавоб хатини олди.

БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ ЙЎЛИДА

«АЛЬЯНС» ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистонда фаолият кўрсатган «Альянс» хусусий қон-руда компанияси гилемия боитиш фабрикасини лойиқлаштириш, қуриш ва уни ишлашга бўйича танлов эълон қилди. Бу компания 1994-96 йилларда Самарқанд вилоятида қонро сифтали каолин (гилемия) кони қидириб топган эди. Компанияга «Альянс» ном берилиб, ўзбекистон Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси хузуридаги захирагадан қандай гилемия микдори 1,35 миллион тоннага тақийи 25 йил давомида таъминлаб туриш учун етарлидир. Мутахассисларнинг фикрича, қонинг умумий ҳажми бундан бир неча баравар кўп.

ДУШ ДАРАЖАЛАРИ

ТОВАР АЙИРБОШЛАШ КЎПАЯДИ

Украина Бош вазири П. Лазаренко Киевда Хитой Халқ Республикаси ҳукумат делегацияси билан музокаралар ўтказди.

Унда томонлар икки мамлакат ўртасидаги шерикчиликни янада ривожлантириш, хусусан, самолётсозлик, ҳарбий ҳамда фазони ҳамкорликда таққиқ этиш каби масалаларда фикр алмашди.

Украина -- Хитой ўртасидаги маҳсулот айирбошлаш ҳамжини бир миллиард долларгача етказиш мумкин. Бунинг учун икки давлат имкониятлари асос бўлади, деди П. Лазаренко журналистлар билан суҳбатда.

РИМ ПАПАСИНИНГ САФАРИ

Рим Папаси Иоан Павел II бир неча кунлик сафар билан Польша Республикасида бўлди.

У мамлакатнинг ўнлаб йирик шаҳарларида ватандошлари билан учрашди. Меҳмонни тантанали кузатиш маросимида Польша Президентини Рим папасининг ўз юртида меҳмон бўлганидан миннатдорлик изҳор этиб, ушбу кунлар миллионлаб поляклар учун байрам бўлганлигини таъкидлади.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Александр Пацевдан ишонч ёрликларини қабул қилди.

Ушбу тантанали маросим Россия Федерациясининг катта байрами -- Давлат суверенитети тўғрисидаги декларация қабул қилинган кун арафасида рўй берганлиги билан ҳам эътиборлидир. Шу муносабат билан «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири Россиянинг Ўзбекистондаги элчисига бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

Александр ПАЦЕВ: ҲАМКОРЛИГИМИЗ ЯНАДА МУСТАҚАМЛАНАДИ

Александр Пацев: Ҳамкорлигимиз янада мустақамланади. Мамлакатларимиз муносабатларида босиб ўтилган йўлга қандай баҳо берамиз? -- Жорий йилнинг 30 май куни Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатлар асослари, дустлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланганига беш йил тўлди. Шу муносабат билан давлатларимиз раҳбарлари ўзаро табири мақтублари билан алмашди.

ЛЕНИННИ МАВЗОЛЕЙДАН КЎЧИРИШМОҚЧИ

Россия Федерацияси мустақиллиги қуни арафасида мамлакат Президенти Борис Ельцин 8 нафар маданий арбобиغا 1996 йилги адабиёт ва санъат соҳасидаги Давлат мукофотларини топширди.

Борис Ельцин эндиликда маданий соҳалар учун давлат бюджетидан 2 фоиз эмас, балки кўпроқ маблағ ажратганини билдириди. У, шу жумладан, Ленинни мавзолейдан кўчириш масаласига ҳам тўхталиб, Қизил майдонни қабристонга айлантиришга йўл қўйиб бўлмади, деди.

5 КИШИ ЯНА БЕИЗ ЙЎҚОЛДИ

Грознийнинг «Кок марка» зид Россиянинг «ВИД» телекомпаниясининг икки нафар журналисти қойиб бўлди.

Чеченистон хавфсизлик кучларининг сайё-ҳаракатларига қарамай, бу ерда «одам овлаш» ҳамон давом этмоқда. Россия ахборот воситаларининг хабар беришича, айни вақтда Чеченистонда беш нафар журналист беиз йўқолган.

Ўз мухбиримиз Х. АБДУРАҲМОНОВ хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрлади.



# МАМАТ АКАНИНГ ГУЛЛАРИ

**Дунёда гулни севмайдиган одамнинг ўзи йўқ. Шундай бўлса-да, уни меҳр-мухаббат билан парвариш қилиш, энг чиройлиларини танлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Мамат ака эса шу соҳанинг мутахассиси.**

У ўз умрини гуллардан айро тасаввур қилолмайди. Мамат ака Мирзаев Бухоро шаҳар кўкаламзорлаштириш идорасида раҳбар. Бироқ ҳамма қатори оддий ва камтарин инсон. Ажойиб хислатли, антиқа гул навини кўрса, ўзини томдан ташлайди. Қайси юртларни кезмасин, икки кўзи боғларда, гулу гулзор чирой очган масканда. Ўша ерлардан ҳам сара уруғлар танлаб, ўз Ватанига олиб қайтади. Уларни кўпайтиради, парвариш қилади, ёру биродарларига тарқатади.

Шаҳар юбилейи олдидан кўкаламзорлаштириш идорасида ҳам ишлар қайнаб кетди. Ҳовир 14 та кўча ободонлаштириляпти. Кўчалар ўртаси ва йўллар четига экилган гуллар, манзарали



дарактлар ўз жамолини кўрсатаётди. Шаҳар бўйича 7200 тул мевали ва манзарали кўчатлар ўтказилган. 2200 дона «Президент» деб номланган навли гуллар экилган. Четдан ҳам 37 минг дона шу турдаги гуллар келтирилди. Бундан ташқари йўл четларига 80 килограмм турли-туман гул уруғлари сочилди. Яна 50 килограмм уруғ тайёрлаб қўйилди.

Умуман мазкур ташкилот томонидан амалга оширилаётган ишлар беҳисоб. Амир Темури хибони, Фитрат, Файзулло Ҳўжаев, Галаба боғлари атрофлари гулларга бурканган экан, унда Мамат ака бошлиқ ташкилот вакиллари хизмати бекиёс.

Улар ҳар йили 60 турдаги табиатнинг мафтункор гулларини тувакларда етиштиришда ҳамда аҳоли, ташкилот ва мактабларга тарқатишади. Ўтган йили бундай тадбиркорлик эвазига 1 миллион 200 минг сўм даромад қилинди. Ҳарқалай атиги 15 киши ишлайдиган корхона учун бу ёмон кўрсаткич эмас. Аммо ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп.

Бухоро катта тўй арафасида. У октябр ойларида кўплаб мамлакатлардан келадиган меҳмонларни қабул қилади. Мамат аканинг ишига бухороликлар эмас, улар баҳо берган маъқул. Шарқни гўзаллик ва гуллар маскани дейишади. Шаҳар кўкаламзорлаштириш идораси ходимлари бу тушунчани юракдан ағлайдилар. Бугун кўзга обидалар шахрида ҳар бир киши ранг-баранг гулларга маъниё бўлиши шубҳасиз. Кишилар уларни Мамат аканинг гуллари, дейишга одатланиб қолишган. Бу бежиэ эмас, албатта.

Маннон ОТАБОЙ,  
«Халқ сўзи» мухбири.



Шу кунларда Бухоронинг 2500 йиллик тўйига тайёргарлик янада қизиб юборади. Маданий ёдориқларни таъмирлаш вилоят бошқармаси Қариш ва Шаҳрисабз бўлимлари ҳамда «Қаршиқўрағон» бirlашма ширкати 150 дан ортиқ курунчиларни шаҳардаги қадимий ҳаммом, Арк саройи, «Кўкалдон» ва «Мир арабо» медресалари, «Масжиди калон» масжидларини асл ҳолига келтириш учун меҳнат қилишмоқда.

СУРАТЛАРДА: таъмирлаш ишларига бош-қош бўлаётган муҳандис Мансур Бўриев (ўртада); «Минорани калон»; «Масжиди калон».

Ш. ШАРОПОВ олган суратлар.

## • БУГУННИНГ БОЛАСИ

### МУБОРАК ҚАРВОН

**Эрталаб ишга келаётувдим. Укасини боғчага олиб бораётган Алишернинг одоб билан салом беришидан кўнглим яшнаб кетди. У йўлакчада ўзини бир четга тортиб, катталарнинг ўтиб олишини кутиб турарди.**

-- Юрақол, Алишер-жон, -- дедим уни олдига ўтказмоқчи бўлиб. Бола -- бола-да, кўнгли-дагини айтиб кўя қолди:

-- Аяжоним, катталардан олдидан юрмагин, деганлар. Кўриб қолсалар, хафа бўладилар.

Шу пайт унга -- 2-синф ўқувчисига меҳрим товганиб кетди, эркалаб сочларини силаб қўйдим-да, йўлимда давом этдим.

Бу воқеа ҳатто ишхонада ҳам ҳаёлимни тарк этмади. Тавозе билан салом бериб, йўлак четига одоб сақлаб турган Алишер...

Уни қадриятларимизни қайта тиклаган истиқлол йиллари тарбияламоқда.

Орадан йиллар ўтгач, оналаримиз ҳар не замонларда ҳам, фарзандлар тарбиясида бобомерос, момомерос удуларнинг сақлаб қолишига иштирганликларини аниқлашди.

Ишдан сўнг «болаларни ҳавога олиб чиқиш баҳонасида» кўшнлар билан гурунглашамиз.

-- Қайнонаниз жуда ақлли аёл эканлар, шундай замонда бундай ўғилларни тарбиялаш жуда мушкул. Айрим йигитлар ҳеч бўлмаганда мактабни битиргунча чекишни ўрганиб олишади, -- деди бир кўшним қайнонасини мактадан аёла.

Сўхбат қизиқ борарди. Бир чеккада жимгина турган кўшним гапни ялиб кетди:

-- Мен бир аёлни билман, ёлғиз ўғил, уч қизи

бор. Аёл ҳамиша элнинг иссиқ-совуғида, хизматида. Қизлари ҳам бир-биридан ақлли, аммо ўғли бир жиноят қилиб, жазо мудардини ўятапти. Яқинда ўша аёлни учратдим, озиб-тўзиб кетибди. Унга қараб туриб ўйлаиб қолдим, фарзанд тарбиялаш ҳам бир санъат экан-да, ўша аёлнинг ўғлини ҳеч ким жиноятчи бўлади, деб ўйламаганди...

...Баҳодир уйда ёлғиз ўғил эди. Унинг барча истақлари сўзсиз бажариладди. Улғайган сари унинг чиқимлари ортиб борар, ота-она эса ўғилларининг хоҳишини сира қайтаринмасди. Ҳавойи истақлар оғушида улғайган йигитга энди уларнинг нафақа пули камлик қила бошлади, кўни-қўшнлар унинг хатти-ҳаракатларидан чўчиб, «бир галвани бошлайди бу бола», деб қўйишарди. Ниҳоят, ўша кутилмаган гап тарқалди. Уни қидириб топилмади. Кун ўтди, ой ўтди, онанинг бағри эзилб кетди. Отанинг қадди дол бўлди. Бир кун охири урфда кийинган Баҳодир кириб келди. Ҳамқишлоқлари уни инсофта қақиргандай бўлишди. Ота-она эса ҳақиқатда, «яна бир балони бошласа-я» деб ўйлашар, шунинг учунми, молу-қўйларини сотиб, ўғлининг чўнтагига солишардики, энди ўғиллик қилмасин... Аммо яна бир кун Баҳодир «овга чиқишни кўмсаб қолди. Лекин иш

бароридан келмади. Хатти-ҳаракатларини кузатиб юрган ҳамқишлоқларининг қўлига тушди.

-- Бу сафар мелисага бермаймиз, агар яна бир марта шу ишни қилсанг, ўзиндан кўр, -- деди ёши улутроқ кўшниси.

Ҳаммани чақириб келишди. Серпийчан чолиб келган ота, ўғлига етмай ўтириб қолди.

-- Мени шарманда қилдинг, оқпадар, онангни адо қилдинг, -- у ҳамқишлоқларига ёлворди, -- агар касал бўлиб қолса, онаси тамом бўлади, баррака толгулар, уни бўшата қолинглар.

Шу воқеадан сўнг Баҳодир уйдан чиқмай қўйди. Баҳор келиши билан кўшнлар унинг олдига келишди.

-- Далага чиқ, -- деди улардан бири, -- ишлайсан, одамларга кўшилиб кўнглинг ёзилди.

У сўзсиз итоат этди. Гуё меҳнатлари билан одамларни дол қолдиришга онг ичгандай, тиним билмай ишлади. Оиланинг аввалги хурмати тикланди. Одамлар ўтган воқеаларни эсламай қўйишди...

Яхшиямки ажойиб ҳалқимиз, ажойиб юртимиз бор, деб ўйлайман шу воқеани эслаганимда, ота-она тарбиялай олмаган фарзандни элнинг ўзи йўлга солади.

Одоб-ахлоқ борасидаги қадриятларимиз неча минг йиллар ортидан келаётган муборак қарвонга ўхшайди. Замонлар бу қарвонни гоҳ қароқчидай талаб, гоҳ янада сайқаллаб ўтиб борапти. Фарзандларимиз ва улар авлодларининг камоли, демакки, она-юртимиз истиқболи ана шу қарвонни нечоғли безашимизга боғлиқ.

Бугунги кунда унинг сайқалланиб бораётгани ҳар бир юртдошимиз учун муборақдир.

Ҳамро Бону МУСУЛМОНОВА.

## • ЛУҚМА

### ЎРГИМЧАК УЯ ҚУРГАН КУТУБХОНА

Бу ҳўжалик пойтахтдан минг ё беш юз чақирим узоқликда бўлса, кимдир кўл силкиб, яна кимдир бош чайқаб, «Ҳа, энди, узоқнинг касали шу-да», деб қўя қоларди. Лекин Тошкентнинг шундоққина ёғинасида, Зангиота туманидаги Алишер Навоий номили жамоа ҳўжалигида кўрганларимиз...

Ҳайҳотдай қўл осиелик турган эшик маданият уйига тегишли экан. Ўргимчак уя қурган жой эса кутубхона эмиш...

Деворлари кўчиб тушган, гарибгина бинони «Сартарошхона», дейишди. «Очилдимиз ўзи?» деб сўрасак, одамлар кулишиб, «Сартарош касал бўлганидан кейин, сартарошхонаси қайдан очилди!» деб жавоб беришди.

На ёзуви, на белгиси бўлган, панжаралари мустақкам бино эса дорихона экан. «Қачон очилди?» десак, «Дорихоначи дори-дармон қидириб кетган, топса очилди-да», дейишди. «Ўзқишлоқҳўжалик-таъминоттузатишга қарашли махсус дўконнинг эса ёлчиб ишлаганини ҳеч ким айта олмади...

Бу манзарани яна қандай изоҳлашни билмадик. Қолган гапларни ҳўжалик раҳбарларидан эшитамиз.

Тўлқин КАРИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**Вексел муомаласини тартибга солиш мақсадида «Ўзпахтасаноатсотиш» давлат акциядорлик ассоциацияси ва ИАТ «Пахта-банк» вексел ушловчиларга шунинг маълум қилдики, 1997 йил 10 июндан эътиборан «Ўзпахтасаноатсотиш» давлат ассоциацияси векселлари муомаласи билан боғлиқ шартномаларни рўйхатдан ўтказиш тўхтатилди. Муомалада бўлган барча векселлар жорий йилнинг 1 июлига қадар «Пахта-банк»нинг ўзларига яқин жойлашган филиалларига мuddатидан олдин сўндириш учун топширилиши керак. Векселларни сўндириш номинал қий-**

# ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРИ!

**Юк жўнатиш олдидан текширувчи инспекция -- «Ўзинвестпроект» ва SGS-Групп компаниялари иштирокига асосланган «Техноинвест» кўшма компанияси фаолиятининг истиқболли йўналиши**

Юк жўнатиш олдидан текширувчи инспекция -- бу жаҳондаги кўпгина мамлакатларда импорт маҳсулотларининг четга чиқиб кетиши олдидан текшириш юзасидан фойдаланиладиган батариб тизимдир.

Юк жўнатиш олдидан текширувчи инспекция хизматидан фойдаланинг, шунда Сизнинг маҳсулотингиз:

шартноманинг ўзига хослиги, сон ва сифат жиҳатидан ва талаб этиладиган андозаларга мувофиқ текширилган бўлади.

Текширув натижаларига кўра, SGS нинг жаҳондаги 140 та мамлакатда жойлашган бўлинмалари томонидан бериладиган тегишли сертификатлар расмийлаштирилади.

Жаҳондаги энг йирик SGS-Групп инспекциявий компаниянинг имкониятлари шарофати билан шундай хизмат тури кўрсатилади. Бу компания дунёдаги кўпгина мамлакатларда 1220 та офис, 342 та лаборатория, 35 000 дан зиёд экспертларига эга.

Кўпроқ маълумот олишни истайсизми?

**«ТЕХНОИНВЕСТ» консалтинг компанияси 700015, Тошкент ш., Лоҳутий кўчаси, 16 а Тел.: 56-53-35, 40-65-27, факс 40-65-28.**

**мат бўйича, векселнинг сўндирилиши санасидан қатъий назар, амалга оширилади.**

**1 июлга қадар тақдим қилинмаган векселларнинг тўлаш мuddати узайтирилади ва эмитентнинг ҳисоб рақамига пул маблағлари келиб тушишига қараб тўлаб борилади.**

**Маълумотлар учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилинсин:**

**78-10-94, 78-26-22**

**«ПАХТА-БАНК».**

**ХАЛҚ СЎЗИ**  
**НАРОДНОЕ СЛОВО**

**Бош муҳаррир**  
**Аббосхон УСМОНОВ**

**МУАССИСЛАР:**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлиси Кенгаши ва**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Вазирлар Маҳкамаси**

**БЎЛИМЛАР:**  
**Парламент 33-57-34;**  
**Хатлар 33-07-48;**  
**Ҳужуқ ва қонунчилик**  
**36-37-85;**  
**Иқтисодийёт 36-36-65, 36-07-94;**  
**Маънавият 36-35-60;**  
**Тунги муҳарририят 33-10-28;**  
**Эълолар 36-09-25.**

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001  
Буюртма Г — 0377, 46.094 нухсала босилди,  
ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилган.  
Қоғоз бичими А—2  
Газета IBM компьютерида терилди ва  
оператор Руслан АЗИМОВ томонидан  
саҳифаланди.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
**700000, ГСП,**  
**Тошкент шаҳри,**  
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Навбатчи муҳаррир — И. Худобер.  
Навбатчи — Ф. Сапаев.  
Мусаххач — Ф. Бободустов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.  
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 22.20 1 2 3 4 5 6